



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД НОРМАЛАР ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Саиткулов Қодирали Абдисаломович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси факультети ўринбосари

Хусанов Фазлиддин Отабек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти


<https://doi.org/10.5281/zenodo.11195627>

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Конституция ва қонунларимизда, айниқса, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устувор вазифалардан бирига айланди. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади.

Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини турли тажовузлардан ҳимоя қилиш ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда устувор йўналишлардан ҳисобланадиган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни турли тажовузлардан ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажаришда ички ишлар органлари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Инсон улғайиб катта бўлар экан у оила қуради, фарзанд кўради ва оиласининг манфаатлари йўлида меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ҳамда оиласини мустаҳкамлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Оила мустаҳкамлиги биринчи навбатда оила муҳитига боғлиқ. Оила муҳити асосини биринчи навбатда оиланинг ядроси бўлмиш эр-хотин муносабатлари ташкил этади. Шарқ мутафаккирларининг бизларга қолдирган бой илмий-маданий меросларида ўзбек халқининг оила-турмуш қоидалари, ундаги катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги маданият,





айниқса, эр-хотин муносабатлари тўғрисидаги инсон тарбиясида ахлоқий аҳамиятга эга бўлган фикр мулоҳазалар, таълимотлар мавжуд.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган бўлиб Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини 1991 йил 31 сентябрда ратификация қилган. Ушбу декларацияни ратификация қилиниши республикада инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қанчалик улуғланишини кўрсатади.

1966 йил 19 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги ҳалқаро пакт қабул қилинган, 1979 йил 18 декабрдаги “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция, 1984 йил 10 декабрдаги “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши” конвенция, 1965 йил 21 декабрдаги “Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида”ги ҳалқаро конвенция, 2006 йил 13 декабрдаги “Ногирон бўлган одамлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, 1989 йил 20 ноябрь “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, 2000 йил 25 майдаги “Болалар савдоси, бола проституцияси ва бошқа порнографиясига қарши бола ҳуқуқлари бўйича конвенцияга қўшимча протокол” ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Муқаддима”сида бундан кейин “ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниш” ва “инсопарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш”¹ уқтирилган. Бинобарин, мукамал давлат ва жамият, яъни ҳуқуқий давлат ва фозил жамият барпо этишнинг асослари ўтмиш манбаларида ҳам етарлича баён қилинган.

Халқимизнинг жамиятни янгилаш, модернизация қилиш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш даврида эришган барча ютуқлари Конституциямизда белгилаб қўйилган қатор ҳуқуқий асосларга боғлиқлиги ҳар бир фуқарода келажакка умид билан қараш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти томон босиб ўтаётган йўлимизга тўла ишонч ҳиссини шакллантиради. Айниқса Конституциянинг 53-моддаси жамият ва шахс манфаатларининг ўзаро муштараклигини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 21-22.



Профилактика инспекторлари томонидан оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш фаолиятининг энг муҳим ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир ва унда алоҳида нормаларда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оиланинг давлат томонидан кафолатлари белгилаб ўтилган.

Конституциянинг **XIV боби** оилага бағишланган бўлиб, унда қуйидагилар белгиланган:

“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади” (63-модда) деган номасида никоҳ бу оилани ташкил этишнинг асосий мезони эканлигини ҳамда оила давлат муҳофазасида эканлигини белгилаб берган.

“Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўстиришни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради”² (64-модда) деган норма ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги бурчи, унда тарбиянинг муҳимлиги ва фарзандларга ота-оналар маъсуллиги, шу билан бирга давлатнинг етим болаларни тарбиялаш ва таълим беришдаги вазифалари белгилаб берилган.

“Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”³ (65-модда) деган норма оиладаги болаларнинг ҳуқуқлари қонун билан кафолатланганлиги, давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб берилган.

“Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”⁴ (66-модда) деган норма эса ўз навбатида фарзандлар вояга етганларидан сўнг ўз ота-оналарини моддий томонидан таъминлашга мажбурлиги белгилаб берилган.

Профилактика инспекторининг оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 21-22.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 21-22.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 21-22.





ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси” муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади” (2-модда. *Оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги*) деган норма оила аъзоларининг тенг ҳуқуқлиги эканлигини ёритиб берган.

“Фуқаролар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларини ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар. Оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт” (10-модда. *Оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва оилавий мажбуриятларни бажариш*) деган норма оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мужбариятларга эга эканлигини белгилаб берган.

“Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади” (11-модда. *Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш*) деган норма эса оилаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши белгиланган. Шунингдек никоҳ шартлари ва тартиби оила кодексда белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят Кодексининг 2-моддасида келтирилган шахсни унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини жамият ва давлат манфаатларини мулкни табиий муҳитни тинчликни инсон ҳавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш тўғрисидаги асосий вазифалар белгилаб берилган бўлиб бу ҳамма учун бир ҳил тарзда амал қилинишини белгилайди.

Жиноят кодекси оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни белгилаб беради. Демак оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятлар Жиноят





кодексининг белгиланган моддаларида ўз аксини топган, жумладан шахсининг ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар қасддан одам ўлдириш (97-м); кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (98-м); онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (99-м); ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-м). Шахсининг соғлиғига қарши жиноятлар, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-м); қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-м); кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (106-м); қасддан баданга енгил шикаст етказиш (109-м); қийнаш (110-м). Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш (112-м); таносил ёки оив касаллиги/оитсни тарқатиш (113-м); жиний равишда ҳомила тушириш (114-м); аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (115-м). Жинсий эркинликка қарши жиноятлар номусга тегиш (118-м); жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-м); бесоқолбозлик (120-м); аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-м). Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-м); ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (123-м); фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (125-м); никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (125¹-м); кўп хотинли бўлиш (126-м); вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (127-м); ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (128-м). Шахсининг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар одам савдоси (135-м); аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-м); зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (138-м); тухмат (139-м); ҳақорат қилиш (140-м). Тадқиқотлар оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятларнинг 9,2 фоиз қасддан одам ўлдириш, 3,7 фоиз ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш, 21,7 фоизи қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 24,3 фоиз фоизи қасддан баданга енгил шикаст етказиш, 16,5 фоиз фоизи қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш, 3,1 фоиз қийнаш, 1,0 фоиз ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, 7,8 фоиз номусга тегиш, 10,4 фоиз ҳақорат қилиш 2,3 фоиз бошқа турлари эканлигини кўрсатмоқда. шуни кўрсатмоқдаки.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 296-моддасида жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига





имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт эканлиги, 297-моддасида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси асос бўлиши, 299-моддасида тақдимномани ва хусусий ажримларни бажариш мажбуриятлари, 300-моддасида фуқаро ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисидаги тақдимнома ва хусусий ажрим тўғрисидаги нормалари улар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оилаларда кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишини кўзриш мумкин. Шу боисдан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс профилактика инспекторларининг оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олидини олишда муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг белгиланган моддаларида ўз аксини топган. Жумладан, туҳмат (мжтк 40-м); ҳақорат қилиш (мжтк 41-м); болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (мжтк 47-м); никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (мжтк 473-м); васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш (мжтк 48-м); вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш (мжтк 49¹-м); енгил тан жароҳати етказиш (мжтк 52-м); таносил касаллиги ёки оив касаллиги/оитс юқадиган манбани яшириш (мжтк 57-м). Таъкидлаш лозимки, енгил тан жароҳати етказиш, ҳақорат қилиш, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик кабилар энг кўп содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда алоҳида ўрнини эгаллайди. Жумладан, мазкур қонуннинг 6-моддасида бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки назарда тутилган бўлиб, унга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий,





ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этади ҳамда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни эса оилада ота-оналар ва уларнинг ўрнини боласувчи шахслар томонидан мажбуриятларини бажармаслик ёки вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Хусусан, профилактика инспекторларининг оилаларда вояга етмаганларга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этишнинг шакл ва усулларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг **3-моддасида** “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир” деб белгиланган, 4-моддасида “Фуқаролар шаҳарчаларда, қишлоқларда, овулларда, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари) орқали амалга оширади. Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки ўзларининг сайланадиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига






давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ваколатлари белгиланган. Мазкур қонун билан профилактика инспекторининг оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг чора-тадбирларини қўллашнинг муҳим йўналишларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги **“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги** қонунига асосан ички ишлар органлари ёшлар иттифоқи билан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришнинг усул ва шакллари белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармонида ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаганлиги, фуқаролар билан мулофот қилишда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаётганлиги, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими





яратилмаганлиги кўрсатиб ўтилиб, уларнинг бартараф этишнинг устувор вазифалари⁵ белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги **“Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5938-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу фармонда маҳалланинг мустақил фаолият юритишини янада яхшилаш ва такомиллаштиришни асосий мақсад этиб белгиланди ва уни қабул қилинишида қуйидаги муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди:

биринчидан, фуқаролар йиғинларига хос бўлмаган функцияларнинг уларга юклатилиши;

иккинчидан, маҳалланинг қуйи идоралар билан тизимли ҳамкорлигининг йўлга қўйилмаганлиги;

учинчидан, оила, хотин-қизлар ва кексаларга ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги⁶;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар самарали натижа бермаётганлиги;

бешинчидан, юқоридиги камчиликлар жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга салбий кўрсатаётлиги.

Давлатнинг маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишида давлат ёрдамини кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Шуни таъкидлаш лозимки, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, маҳалла фуқаролар йиғини оилалар билан ишлашда муҳим рол ўйнайди. Жумладан профилактика инспектори оилалрдаги низоли вазиятлар, муаммоларни бартараф этишда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан доимий ҳамкорлик қилишлари лозим.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони.





Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш визани янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилди:

1) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги;

2) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга бошқа идоралар лозим даражада эътибор қаратмаётганлиги;

3) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги.

4) ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номуносиблиги⁷.

Қарор билан қуйидаги комиссияларнинг фаолияти қайта ташкил этилди:

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;

- Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси;

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси.

- Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси эса “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси”га айлантирили, ушбу комиссия раиси Сенат раиси Норбоева Танзила Камоловна этиб белгиланди (аввал ИИВнинг биринчи ўринбосари комиссия раиси ҳисобланган).

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш визани янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли Қарори.






Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланди. Шунингдек таъкидлаш лозимки ушбу кунда асосий эътибор оилалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилди. Бу эса профилактика инспекторларининг бошқа турдаги маъсул субъекитлар билан ҳамкорлик механизмини яратилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Қарорда ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) устувор вазифаси этиб белгиланди ва органлараро комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти йўналишлари ва асосий вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли Қарорида ички ишлар органларининг энг муҳим вазифаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилаш, уларнинг аниқ фаолият йўналишларини белгилаб бериш; жамоатчилик билан ҳамкорлигини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни турли салбий таъсирлардан асраш; профилактика инспекторларининг фаолиятини такомиллаштириш, жамоатчилик олдида тизимли равишда ҳисобот беришларини йўлга қўйиш; профилактика инспекторларининг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шу жумладан ўзларининг фаолияти ҳақида жамоатчилик олдида тизимли равишда ҳисобот беришларини йўлга қўйиш, уларнинг аҳолини ташвишга





солаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлиш ҳолатларига чек қўйиш каби вазифалар этиб белгиланди⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони асосида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси барча соҳалардаги, хусусан ички ишлар тизимидаги ислохотларнинг асосига айланган. Ҳаракатлар Стратегиясида “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, - деган тамойил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сон Фармонида ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини босқичма-босқич ташкил этилиши қуйидаги тартибда белгиланди:

- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, Миллий Гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади;


- маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади;

- профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш “Smart маҳалла” ахборот дастури асосида ташкил этилади;

- жойлардаги вилоят ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳар ой якуни бўйича аҳолига Интернет тизимидаги ахборот ресурслари орқали ҳудуддаги криминоген вазият юзасидан “профилактик огоҳлантирув мурожаат” қилиб бориш амалиёти жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан рақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли Қарори.





такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5050-сонли Қарори асосида маҳалла-ҳуқуқ тартибот масканлари Тошкент шаҳри туманларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, йирик туман ва шаҳарларда ташкил этилади.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ташкил этилиши жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади, ўз навбатида жиноятларнинг ҳар қандай кўринишларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Эркин демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун, аввало, унинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари ҳар қандай тажовузлардан ҳимояланган бўлиши шарт. Шу боис, инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган, шу боисдан ҳам фуқароларнинг ҳар қандай тажовузлардан ҳимоялаш, уларни ҳуқуқбузарликлардан жабрланиб қолишини олдини олиш долзарб аҳамиятга эга вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғи асосида профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби белгилаб берилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторининг оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишни белгилаб берувчи нормаларни янада такомиллаштириш, уларни бугунги кун талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш уларда янги шакл ва усулларни амалга оширилиши белгилаш ушбу йўналишдаги профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фодаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – Б. 21-22.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний





манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш визани янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли Қарори.


6. Qushboqov S., Tilabov S. Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 45-47.

7. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

8. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими. Solution of social problems in management and economy, 2(13), 95-98.

9. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни. Science and innovation in the education system, 2(13), 73-76.

10. Алтмишев Т., Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. Special Issue. – С. 112-114.





11. Qushboqov, S. (2023). Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil. Центральноазиатский журнал образования и инноваций, 2(2 Part 2), 49-52.
12. Қушбоқов, Ш., & Турниёзов, Ж. (2023). Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи. Development of pedagogical technologies in modern sciences, 2(2), 49-55.
13. Қушбоқов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.
14. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
15. Qushboqov S., Mamatova D. yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.

